



УКРАИН ТИЛИДА ТУРКИЗМЛАР

И.К.Мирзаев, Б.С.Михайличенко

Самарқанд давлат университети профессори, ф.ф.доктори

Калит сўзлар: байбара, ономастик, байда, бала, баламут, балтача, балиқ, барабаиш, кучма, сагадачний, карапет, санжарка.

Украин-туркий муносабатларининг илдизи умумславян, Марказий Осиёнинг туркий давлатлари чегараси Азов ва Қора денгиз соҳилларига етиб борган, булғор ва хазарлар таркибига кирган туркий кабилалар VII-VIII асрларда ҳозирги Украина чўлларида пайдо бўлган даврларга бориб тақалади.

Украин тилида *каган* (хоқон), *богатир* (баходир), *сан* (мартаба, унвон), *сабля* (қилич, шамшир) ва шахс отини ясовчи – чий қўшимчаси (къичгъчий, къръмчий) каби сўзлар айнан шу даврларда пайдо бўлган [Қаранг: Гарковец, 641-б.].

Яна шуни таъкидлаш жоизки, украин тилида атоқли отларни ҳисобга олмаганда тўрт мингга яқин туркий сўзлар мавжуд. Уларнинг ярмидан кўпини *гарбуз*, *килим*, *кишмиш*, *отара*, *туман*, *тютюн*, *штани*, *карий* каби умумистеъмол, қолган қисмини тарихий (*башлик*, *бунчук*, *джура*, *канчук*, *опанча*, *осавул*, *сагайдак*, *ясир*, *бай*, *мурза*, *султан*, *хан* ва б.) сўзлар ташкил қилади.

Қадимги Киев даврида булғор, хазар, печенег, қипчоқ, татар тилларидан кириб келган туркизмлар учун а = о га ўтиши хос. Қиёсланг: *богатир* (қипчоқ тилида *багатыр*, мўғул тилида *багатур*, *багадур*), *хазяйн* (қадимги рус тилида *хазя*, қипчоқ-булғор тилида *хузей*, форс тилида *хожа*, араб тилида *haggi*). Мазкур фонетик жараён украин тилига сўнгги даврларда кириб келган туркизмларда қузатилмайди. Қиёсланг: *байрак*, *кабак*, *ковун*, *капкин*, *калим*, *саман*, *чабак*, *ятаган* ва б.

Маълумки, IX асрдан эътиборан Киев Руси хазар хоқонлиги (XI-XIII асрлар) билан яқин ва муқим муносабатларда бўлган. Бундай яқинлик

асосида юзага келган туркизмларни русларнинг "Игорь полки жангномаси"да ҳам кўриш мумкин (*булат*, *хорулаг*, *женьчуг*, *қурган*, *шатро*, *япончица* (→*опанча*), *клобук* (→*ковнак*), *товар*, *коций*, *чача*, *лошадь* (→*лоша*), *барсук*, *евшан*, *бур'ян* ва б.)

Татарларнинг XIII-XIV асрларда кечган юришлари натижасида украин тилига *козак*, *ватага*, *сирий*, *гардак*, *базар*, *харч*, *башлик*, *калита*, *барииш*, *бугай*, *карий* ва б. сўзлар кириб келган. Бу жараён, айниқса, Қрим хонлиги даврида авж олган. Қиёсланг, ч о р в а ч и л и к к а доир: *чабан*, *отара*, *табун*, *аркан*, *торба*, *кабан*, *лоша*, *буланий*, *чалий*, *чайда*; ч ў л х а ё т и г а доир: *байрак*, *колиш*, *лиман*, *туман*, *беркут*, *сарана*, *бакай гарба*; п о л и з ч и л и к к а доир: *баитан*, *гарбуз*, *кавун*, *тютюн*; қ ў ш и н г а доир: *киш*, *табёр*, *осавул*, *бунчак*, *чайка*, *со(га)дак*; к и й и м - к е ч а к к а доир: *чаба*, *кунтуш*, *кобеняк*, *шаравари*, *штани*, *очкур*, *сап'ян*, *чоботи*, *постоли*, *тасъма*, *серпанок*; с а в д о - с о д и к, и ш л а б ч и қ а р и ш, т у р м у ш ва б.га доир: *чумак*, *аршин*, *могорич*, *майдан*, *чавун*, *казан*, *килим*, *тапчан* *локша* (*локшина*), *кив'яр*, *кави*, *кобза*, *люлька*, *гайдамака*, *харциз*, *канчук*, *кайдани*, *чума* [Қаранг: Туркизмы в украинском языке // ru. m. wikipedia. org].

II*. Ўрта [IX-XIV] асрларда украин тилида яратилган бадий матнлар туркий сўзларнинг бошқа этник муҳитга фаол кириб келганлиги ҳолатларини ўзида акс

* Қаранг: И.К.Мирзаев, Б.С.Михайличенко. Функционирование тюркизов в украинском языке // Ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар тўплами. 2-чиқиши. –С.: СамДУ, 2000. – 33-39-бетлар



эттирган. Украин Уйғониш [XV-XVI асрлар] ва Барокко [XVII аср] даврларида нуткий конвергенция⁷нинг сифат жиҳатдан янги даражага кўтариллиши, яъни соф "украинча туркизмлар"нинг юзага келиши кузатилади. Қайд этилган даврларда кипчоқ луғатчилигида бўлмаган ноёб лексемалар юзага келади. Бу жараён унчалик жадал бўлмаса-да, кейинги даврларда ҳам давом этиб турди.

Шарқ, хусусан, туркий, форсий, арабий илм ва маданиятни қомусий асосда ўрганиш ишлари ўтган асрнинг бошларида академик Асатангал Кримский томонидан йўлга қўйилган бўлса-да, Украинада илмий шарқшунослик маркази шаклланимади. Шунинг учун бу ерда шарқшунослик гуманитар фанлар орасида ҳамон эътиборга арзимайдиган ўринни эгаллайди.

Биз ушбу мақолада украин тилида амал қилаётган айрим туркий сўзларни таркибий-мазмуний нуқтаи назардан о н о м а с т и к ва х о р е о г р а ф и к материаллар асосида кўриб чиқамиз.

І. О н о м а с т и к туркизмлар. Украин тилида туркий фонетик ва орфографик безаклар билан зийнатланган фамилиялар анча кенг луғавий қатламни ташкил қилади. Булар орасида *бай, бал, бар, бир, беш* сўзлар билан бошланадиган онома туркизмлар, айниқса, кўпроқ кўзга ташланади.

БАЙБАРА. Бундай фамилияли кишилар Украинанинг Полтава "гетманлиги"га қарашли (Чутовое кишлоғи) худудда истикомат қилишади⁸. Б.Д.Гринченко (кейинги сатрларда – БГ) томонидан тузилган "Словник української мови" ("Украин тили луғати")да чўпонлар турмушига хос сўзлар учрайди: "Байбара, ри. ж. – "Длинный кнут пастуха (Чўпоннинг узун қамчиси" [БГ, 1-т., 20-б.].

⁷ Конвергенция – ходисаларнинг айрим белги ва хусусиятларга кўра бир-бирига ўхшашлиги.

⁸ Гетман – гетман (1. Қадимги Украинада казак кўшинлар бошлиғи; Украина хоқими; 2. Қадимги Польшада Бош қўмондон; Гетманство – гетманлик) [Русча-ўзбекча луғат. 2 томлик. 1-Т. –М., 1983, 201-б.].

"Байбара" ҳайвонларни бошқариш қуроли сифатида украин тилининг ўн бир томли изоҳли луғатида ҳам учрайди: "Байбара, и.м., діал. Довгий батІг у пастухів" [Қаранг: Словник української мови, 1-т., 89-б.]. Қамчи ясаган уста ҳам "байбара" деб аталган бўлса, ажабмас. М.Фасмер бу сўзни ўзининг "Этимологический словарь русского языка" номли луғатига киритмаган.

"Байбара"нинг ўзбекча муқобили *бой* (бай) + *бор* (бара). Мазкур қўшма сўзнинг биринчи қисми куйидаги маъноларни англатади: *бой, тўқ, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ, бадавлат, давлатманд, бадавлат одам, аслзода, нажиб, ҳоким, ҳоқон, султон, кенас*⁹. Э.В.Севортяннинг гувоҳлик беришича, *бай* – этимологик нуқтаи назардан *бар* сўзига яқин (*бар – бор, мавжуд, нақд, борлик, мавжудлик, нақдлик* [Қаранг: Севортян Э.В., Этимологический словарь тюркских языков – ЭСТЯ]). Унсурларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган сўз Бай + бар + а *бой киши, кенас; бор, мавжуд, ҳозир* маъноларини ифодалайди.

Украин тилидаги *б а й б а р а* ўзбек тилидаги "Б о й б ў р и" (*бой + бўри = хоқон + бўри*) негизида пайдо бўлганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки *бўри* сўзининг "авлодни асровчи, кўриқловчи" маъноси ҳам бор. Туркий келиб чиқишли бу фамилия украин тилининг ономастик майдонида бошқачароқ маъно касб этган.

БАЙДА – Полтава вилояти худудида (Чутове кишлоғида) кенг тарқалган фамилиялардан бири. Б.Д.Гринченко бу сўзнинг куйидаги маъноларини қайд этган: "1) маишатпараст одам, бепарво (беғам) киши; *Байда бити* (бекор юрмоқ, юлдуз санамоқ, ит суғормоқ); 2) Бесўнақай аёлга бериладиган лақаб; 3) Бўлка ноннинг четидан қирқиб олинган бурда, бир бурда нон" [БГ, 1-т., 20-б.]. Шунга яқин маъно бошқа манбада ҳам учрайди: "*безтурботна, гуляша*

⁹ Кенас – князь – подшо фармони билан бериладиган унвон.



людина, гульвІса" [Қаранг: Словник української мови, 1-т., 89-б.]. Мазкур сўзнинг биринчи қисми (*б* бай *а*) фамилия соҳибининг ижтимоий мақомига (*б* бой, ҳоким, кенас *а*) ишора ўларок изоҳланади.

БАЛА сўзи ҳам Полтава вилояти худудида учрайди. Баъзан шу ном билан юритилувчи фамилия соҳиблари казарманинг нуфузли шахслари таъсирида яна бир "л" товушини орттириб, *Балла* тарзида ёки унга *ин, он* қўшимчаларини қўшиб талаффуз қилганлар. Б.Д.Гринченко бу лексемага шундай таъриф беради: "Бала, ли, м. Дубина (таёқ, тўқмоқ), пентюх (лапашанг)" [Қаранг: (Малорусско-німецький словарь. Уложили Е. Желеховский и С Недільский. –Л., 1886. Два тома) и (БГ, 1-т., стр. 23)].

"Бола" сўзи туркман тилидан бошқа барча туркий тилларда *гўдак, бола, ёш бола* маъноларини, туркман тилида эса *чақалоқ* маъносини ифодалайди.

Кўринадики, *бо : ла = бола* (*ба : ла = бала*) – қуш, ҳайвон ва одамнинг янги туғилган, онасидан ажралмаган болаларнинг умумий номи. " Янги туғилган(лик)" маъноси *бола* маъносидан анча илгари, тахминан, Маҳмуд Кошғарий даврида пайдо бўлган. Шунга асослашиб айтиш мумкинки, *бо : ла = бола* (*ба : ла = бала*) сўзининг семантик таркибида *бола* (ребенок) маъноси бўлмаган. У мажозий кўчиш натижасида юзага келган: янги туғилган ...бола. Туркий тилларда *бола* сўзи санскрит таъсирида пайдо бўлган деган тахминлар ҳам бор. Кейинчалик унинг келиб чиқиши суғд тилига нисбат берилган [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 48-49-бетлар]. Бироқ мазкур сўзнинг туркий эканлиги асослироқ: *ўзбекча: бола, болакай*. Кейинги сўз украин тилидаги *балакати* сўзи билан деярли бир хил (ҳам фонетик, ҳам лексикологик нуктаи назардан). Унда *пентюх* (лапашанг, ношуд, беўхшов одам) маъноси йўқ. Шунинг учун Б.Д.Гринченконинг *бола* сўзи салбий маънони ифодалайди деган мулоҳазалари

ҳақиқатдан йироқ. Бунинг устига, *бола* лексемаси украинча талаффуз қилинганда ҳам ёқимли ва жарангдор. Бинобарин, биз украинча *Бала* фамилияси салбий маъноли деган фикрга кескин қаршимиз. *Бала ношуд, қўпол, лапашанг* маъноларини эмас, балки, *бола, ўғил бола, ёш бола* маъноларини ифодалайди. Афтидан, "Малорусско-німецький словарь" муаллифлари *бала* лексемасини *балда* (*қовоқбош, тўпори, калта фаҳм*) лексемаси билан адаштирган. *Бала* "Словник української мови" ва Фасмернинг "Этимологический словарь русского языка" луғатларида қайд этилмаган.

БАЛАМУТ. К.Д.Бальмонтнинг гувоҳлик беришича, унинг аждодлари фамилияси украинча *Баламут* бўлган ва кейинчалик *Бальмонт* шаклини олган. Украин тилининг изоҳли луғатларида бу лексемага шундай таъриф берилган: "Баламут, та, м. 1) руҳий хотиржамликни бузувчи, фитначи, авроқчи, йўлдан оздирувчи (фольклор: " Баламуте, вийди 3 хати, ... "); 2) эмчи, азайимхон, табиб; 3) Балик: скумбрия (кичикроқ денгиз балиғи)" [БГ, 1-т., 21-бет]. "Баламут, а.ч. Той, хто сіе неспокій серед людей, підбурює на якісь учинки; бунтівник. 2. Той, хто залищається до жінок, настирливо домагається взаємності в коханні; спокусник, зальотник. 3. діал. Риба мокрель" [Қаранг: Словник української мови, 1-т., 94-бет].

М.Фасмернинг фикрича, *баламут* лексемаси *балакати* сўзидан илгари пайдо бўлган. Бинобарин, уни, Р.Смаль-Стоцкий ўйлаганидек, *balakati* ва, *mutiti* сўзларининг чатишишидан ҳосил бўлган луғавий бирлик деб ҳисоблаш тўғри эмас. М.Фасмернинг тасавурида мазкур сўзнинг биринчи қисми *бала* – товушга тақлид характеридаги ҳосила [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 1-т., 113-б.]. *Баламут*нинг ҳосил бўлишида туркий негиз борлигини унутмаслик ва уни *шўх* (тинмас) *бола* тарзида талқин қилиш керак. Бу сўзнинг ясалиш қолипи ва маъноси, бизнингча,



шундай: туркийча *бола* ва славянча *мутить* (ғул-ғула солмоқ, фитна қилмоқ), яъни *фитначи бола*.

БАЛТАЧА – XX асрнинг 80-йилларида машхур бўлган украиналик футболчи фамилияси. Бу лексема манбаларда қуйидагича талқин қилинади: 1. "Балта, ти, ж. 1) Топор (болта); 2) Жидкая грязь (суяқ ахлат)" [Қаранг: ГБ, 1-т., 24-25-бетлар]. Бу сўз "Словник української мови"да қайд этилмаган. М.Фасмер унинг туркий тиллардан олинганлигини ва ўткир тигли болта маъносини ифодалаши ҳақида ёзган [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 1-т., 118-бет]. Ўзбек тилида *болтача*, *кичик болта* деган маънони англатади.

БАЛЫК – Полтава вилоятининг Чутове қишлоғида учрайдиган фамилия. Б.Г.Гринченко уни қуруқ қайд этиш билан чегараланади: "Балык" [Қаранг: БГ, 1-т., 50-бет]. "Словник української мови"да бу сўзга шундай таъриф берилган: "Балык, у.ч. Просолена пров, ялена (Інколи ще й прикопчена) спинка великої красної риби" [1-т., 96-бет]. Украинча изоҳ ўзбекча изоҳ билан бир хил. Қиёсланг: "Қизил балиқнинг тузланган ва қокланган орқа гўшти" [Русча-ўзбекча луғат, 1-т., 47-бет].

Туркий манбаларда *ба* : *лык* балиқнинг барча турларини, жумладан, сут эмизувчи кит балиғини ҳам англатади. Бу лексема қуйидаги кўчма маъноларда ҳам қўлланади: 1. Ҳаяжонланиш туфайли хушдан кетган киши. 2. Юлдузлар туркуми номи. Турк тилидаги *балаклава*, *балиқ овлайдиган ҳовуз* маъносини ифодалайди. Украинада, "Балыклей, Балыклейка (балиқ учун ҳовуз) номли кичик-кичик дарёлар бор. Қримнинг жанубий соҳилидаги шаҳар *Балаклава* номини татарларнинг Қрим ярим оролига келишларидан анча илгари олган. Бу ҳолат украинлар мўғулларнинг истилосигача ҳам кипчоқ қабилалари билан алоқада бўлганлигидан далолат беради.

БАРАБАШ – Украинада кенг тарқалган фамилия. Э.В.Севортян туркий тилларда икки узвли (кўшма) сўзлар анча

кейин пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Шундай бўлса, *Бойбўри* каби антик даврларда пайдо бўлган сўзлар генезисини қандай хронологик тартибда белгилаш мумкин?

Барабаш фамилиясининг биринчи қисми архетипи *бар*, *бор*, *бор* бўлмоқ маъноларини англатади ва кўп маъноли: *бор* (ҳозир) бўлган, *мавжуд*, *ҳаёт*, *тирик*. Бу сўз кейинчалик *бойлик*, *бой*, *давлатманд*, *бош* (унинг боши) маъноларини касб этган. Турк тилида *ақл*; озарбайжон тилида *ақлдан* ташқари яна *зеҳн*, *идрок*, *топқирлик*; қорақалпоқ тилида (кўчма маънода) яна *ақлий қобилият*, *раҳбар*, *йўлбошчи*, *бошлиқ*, *бошчи*, *саркор*, *биринчи* маъноларини ифодалайди [Қаранг: Севортян, ЭСТЯ, 64-66; 85-88-бетлар].

Ўзбек тилида *бош* ва *бор* сўзларининг қўшилишидан, *бошли* (каллали) *одам*, *ақлли* (оқил) *одам*, *ақли тиниқ* (равшан,ўткир) бирикмалар ҳосил қилинган. Соф украин тили қонунқоидалари асосида шаклланган, *барабаш* сўзи (ва фамилияси) икки ўзбекча (туркий) луғавий бирлик негизида юзага келган. Бироқ бу сўз *барабаш* шаклида ўзбек тилида ҳам, бошқа туркий тилларда ҳам учрамайди.

КУЧМА – Чернигов "гетманлиги"да амал қиладиган украинча фамилия. Бу фамилиянинг варианты *Кучмій* Ю.К.Редьконинг луғат-маълумотномасида келтирилган. Бу сўз ҳақида Б.Д.Гринченко қуйидаги маълумотларни беради: "Кучма, ми, ж. 1) Шапка меховая, мохнатая. Колб. 2) Вскоченная голова. *Кучму дати*. *Причинити хлопоти*" [Қаранг: БГ, 2-т., 385-б.]. "Словник української мови"да бу сўзга берилган шундай таърифга дуч келамиз: "Кучма, и. ж. розм. 1. Висока бараньяча шапка. 2. чога, *перен*. Высока копица (про волосся). *Дати Кучму* – *дати прочухана*" [Словник української мови, 2-т., 424-б.].

Бу сўзнинг ўзбекча варианты: "Кўчма. 1. бир жойда турмай, жойдан жойга юриб ишлайдиган. 2. Кўчма ...



байрок" [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 424-б.]. Бу сўзда икки асосий маъно кўзга ташланади: а) характерологик маъно (бу ерда ўзбекча ва украинча изоҳлар ўзаро мос); б) этник маъно: кўчманчи, бадавий.

САГАДАЧНЫЙ – Украина гетманларидан бўлган П.К.Сагадачний Қрим, Туркия ва бошқа мамлакатларга қарши денгиз ҳамда курукликда қўлга киритилган ғалабалар йўлбошчисининг фамилияси. Бу фамилиянинг ясалиш қолипи: сагайдак + украинча қўшимча - *ний*; к - ч га ўтган ▶ *сагайдак сагайдач*. Манбаларда бу лексема ҳақида куйидагиларни ўқиймиз: "Сагайдак, ка, м. Колчан, чехол на лук и стрел" (Ўқдон, ёй (камон) ва ўқ учун ғилоф) [Гринченко, 95-б]; "ШкІряна сумка або деревяний футляр для стрел" [Словник української мови, 9-т., 8-9-бетлар]. М.Фасмер шу сўз асосида украин тилида пайдо бўлган *сайдак* ва *сагайдак* (садок (ўқ-ёй ғилофи) сўзларини ва *колчан* сўзининг чиғатойча, татарча ва мўғулча муқобилларини келтиради [Қаранг: Фасмер. ЭСТЯ, 3-т., 540, 543 бетлар]. Бу сўз худди шу маънода рус тилида ҳам қўлланади [Қаранг: РЎЛ, 2-т., 373-бет]. Украиналик шоир А.Кудрейко ўзининг шеърларидан бирида *сагайдак* ва *сайдак* сўзларидан қофия сифатида фойдаланади. Унинг лирик қаҳрамони афсонавий гетман ҳақида куйлайди: "Ну, хотя б о Сайдаке: ехал, голову клоня и шарахались сайгаки от казацкого коня" [Кудрейко 1975, 27-б.].

Келиб чиқиши ўзбек (туркий) бўлган украинча фамилияларни ўрганиш украин ва ўзбек халқлари орасида узок даврларга бориб тақалувчи алоқаларнинг, хусусан, лисоний алоқаларнинг шакл ва турлари ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Бундай ономастиканинг сеҳрли кучи 988 йилдан кейин Украинада авж олган тажовузкор византиялаштиришга қарши барқарор оппозицияда бўлгани билан ажралиб туради. Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, ономотуркизм камдан-кам ҳолатлардагина трансформацияга учрайди. Бинобарин,

Байдачный, Сагайдачный каби трансформацияларга истиснолар сифатида қараш мумкин. Украинча ономотуркизмлар, асосан, ўзининг ибтидоий кўринишида амал қилиб келади. Бироқ юқорида тилга олинган украинча туркий (ўзбек) фамилиялар туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар орасида ҳам ономастик номенклатуралар сифатида шаклланмаган.

П. Х о р е о г р а ф и к туркизмлар. Ушбу ўринда туркизмларнинг украинча хореографик терминологиясига таъсири масаласини ўрганиш ҳам фойдали ва ҳам мароқли. Қуйида биз аллақачон унутилиб кетилган украинча учта рақс номининг пайдо бўлишини кўриб чиқамиз.

КАРАПЕТ. Биз бу сўзни украин тили луғатларида учратмадик. Фақат фольклор манбалар Украинада ғайриоддий ном билан юритилган жўшқин рақс тури бўлганлигидан далолат беради:

Танцовала "Карапет", побила ботинки,

Залишились (остались) на ногах чулки на резинки.

Йўл-йўлакай қайд этиш мумкинки, арман тилида исм -фамилияни ифодаловчи "карапетян" сўзи бор. Бу ерда биз у ҳақда тўхталиб ўтирмаймиз.

Ўзбек тилида бу сўзнинг аниқ муқобили бор: *карпет* = *кара* (қора) + *пет* сўзининг фонетик ўзгарган шакли, яъни қора + бет. Эҳтимол, мазкур рақс тури ижро этилаётганда ниқоб ёки макияждан фойдаланилган. Шунингдек, рақс ижодкорлари туркий халқлар вакили бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бошқа тахмин билдиролмаймиз, чунки бунинг учун украинча рақсинг сахнавий ва композицион асосларини билиш керак.

ОЙРА. Қўл остимизда бўлган лексикографик манбалардан санъатнинг бу турини ҳам, уни ифодаловчи сўзни ҳам тополмадик. Шунинг учун яна халқ қўшиқларига мурожаат этдик. У ерда *Ойра* ва юқорида кўрганимиз *Карпет* номли рақсларнинг сахнавий хусусиятлари қайд этилган. Қиёсланг:



Отакички *Ойра-Ойра*,
Отакички *Каранет*.

Рақс ижро этилаётганда қўл кафтлари билан хореографик амаллар бажарилиб турилади.

Ора сўзи қуйидаги икки қолип асосида ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Биринчиси соф украинча қолип *ой* ундов сўзи асосида ҳосил қилинган, чунки халқ оғзаки шеърятти *ой* дан урғули қофия ёки анифора сифатида фойдаланади: юкламалар ашуланинг ўртасида келган матнни кенгайтиради ҳамда эмоционал тўхтама – ғам-алам, ҳайрат ва беҳад кучли завқ-шавқ вазифасини бажаради; *ра* юкламаси – соф рақс мароми унсури (тахминан, бундан ўн йилча илгари телевидение орқали берилган бир кўрсатувда белорусиялик талабалар шу лексемадан фойдаланиб рақсга тушишган эди).

Ўзбекча версия қуйидагича: *Ойра* лексемаси *доира* сўзига очикдан-очик ишора қилиб турибди. "Доира" луғатларда шундай изоҳланади: 1. тўғарак чизик чизмок; 2. *кўчма* доира шаклида айланмок, давра олиб юрмок ёки учмок [Қарнг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-т., 231-232-бетлар]. "*Доира*"га нисбат берилаётган *ойра* "беэга" колгани учун ўзбекча тахминни олға суриш мақсадга мувофиқ кўринади.

САНЖАРІВКА (САНЖАРКА) – украин хореографиясида ашула ва рақснинг номи [Қаранг: БГ]. Украин тилининг ўн бир томлик изоҳли луғатида, *санжарка* ва *санжарівка* "народна пісня І танець" (халқ кўшиғи ва рақси) тарзида талқин қилинган [Словник української мови, 9-Т., 52-б.]. Иккала луғат ҳам, гарчи Украинада шу ном билан аталадиган кишлок ва посёлкалар (шаҳар типдаги кишлоклар) мавжуд бўлса-да, *санжар* сўзини қайд этмайди. Масалан, "Харьков – Полтава" автойўлида, *Санжары* Полтавадан нарида, Киев томонда *Нові санжари* кишлоклари жойлашган. Халқ

тилида *санжари* лексемаси фонетик жиҳатдан *Стожари*, *ожеред*, *ожеледь*, *джерело* каби сўзлар билан бир сўз ясовчи қолипни ташкил қилади. Эътиборга молик томони шундаки, Б.Д.Гринченко *санджак*, ка: Турк губернатори; *санджаківка*, ни, ж.: (турк) губернаторнинг қизи сингари туркий сўзларни келтиради [Қаранг: БГ, 4-т., 101-б.]. *Санжар* ва *санджак* мазмун жиҳатдан қардош сўзлар бўлиши мумкин. *Санжар* – жангчи, баҳодир, паҳлавон. Соф ўзбекча сўз. Шу ном билан аталувчи рақсга келсак, таъкидлаш жоизки, фақат аёллар иштирокида ижро этиладиган *Санжарка*да шарқ рақси унсурлари бор.

Украинча рақсларнинг туркий номлар билан аталиши маданиятшунослик нуқтаи назаридан ҳам ноёб ҳодиса. Бу ерда, бизнингча, туркий тилларга хос терминлар украинча рақсларнинг ритмик мароми шаклланишига таъсир қилганми / қилмаганини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас,

1. Юқорида таҳлилга тортилган мисоллар лингвистик ресемантизация қонунига бўйсунди.

2. Украин тили туркизм-терминларини нафақат "график" нуқтаи назардан ўзлаштирди, шунингдек, уларнинг маъносини ўзининг нутқ маданияти эҳтиёжларига мослаб қайта ишлаб ҳам чиқди.

3. Туркий тилларга хос унлилар уйғунлиги (сингармонизм) украин тилининг фонетик тараққиётига ҳам таъсир қилган кўринади.

4. Турли тиллар лексик таркибида мавжуд туркизмларни этнолингвистик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ўрганиш тиллар соҳибларининг олам манзараси ҳақидаги тасаввурларини бойитиш баробарида турли даврларда уларнинг ҳаётида кечган сиёсий, тарихий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва б. жараёнларни тўғри ва холис талқин қилиш учун ишончли асос вазифасини бажаради.

Адабиётлар

1. Гринченко Б.Д. Словарь української мови. в 4 томах. – К.:Киевская Старина. 1907.



2. Гаркавец О.М. Тюркізм // Українська мова: Енциклопедія. – К.: Українська енциклопедія, 2000
3. Мирзаев И.К. Михайличенко Б.С. Функционирование тюркизмов в украинском языке // Ўзбек филологияси масалалари / Илмий мақолалар тўплами. – С.: СамДУ, 2000.
4. Словник української мови. В II тт. – К.: Наукова думка, 1970-1980.
5. Фасмер М. ЭСРЯ – Этимологический словарь русского языка. В 4-х тт. – М.: Прогресс, 1986-1987.
6. Севортян Э.В. ЭСТЯ – Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и межтюркские основы на букву "Б". –М.: Наука, 1978.
7. Алпамыш. По варианту Фазыла Юлдашева. Пер. с узб. Л.Пеньковского. – Т.: изд. им. Г.Гуляма. 1973. –360 с.
8. Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. – Т.: УСЭ, 1983.
9. Редько Ю.К. Довідник українських прізвищ. Вчителю-словеснику. – К.: РШ, 1968. – 255 с.
10. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. – М.: Русский язык, 1984. – Т.1.

Мирзаев И. Тюркизмы в украинском языке. Авторы статьи рассматривают украинско-тюркские исторические взаимоотношения и взаимодействия в контексте исторического развития обоих народов. Изучается вопрос взаимопроникновения слов в структуру данных языков и проводится анализ тюркских слов в лексическом составе украинского языка.

Mirzayev I. Turkik words in Ukrainian language. The authors analyze Ukrainian-Turkik historical relationships and interaction in both nations' historical evolution context. Particular attention is paid to the issue of mutual borrowing and the study of Turkik lexical units in Ukrainian lexicon.